

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУДОЙНАЗАРОВ ЭГАМБЕРГАН МАДРАХИМОВИЧ

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ МАНТИҚИЙ ФИКРЛАШИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (бошланғич таълим)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Худойназаров Эгамберган Мадрахимович

Бошланғич синф ўқувчилари мантикий фикрлашини ривожлантириш
методикасини такомиллаштириш5

Худойназаров Эгамберган Мадрахимович

Совершенствование методики развития логического мышления учащихся
начальных классов23

KhudoynazarovEgambergan Madrakhimovich

Improving the methodology for the development of logical thinking of primary
school pupils43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications.....47

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУДОЙНАЗАРОВ ЭГАМБЕРГАН МАДРАХИМОВИЧ

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ МАНТИҚИЙ ФИКРЛАШИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (бошланғич таълим)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси** Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.PhD/Ped252 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университетига бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-сahифаси (www.termizdu.uz) ҳамда «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) манзилларида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рузиев Эркин Искандарович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдуллаева Барно Сайфутдиновна
педагогика фанлари доктори, профессор

Тураев Расул Нуртижиевич
физика-математика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухора давлат университети

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «11» ~~11~~ соат ~~14~~ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 190111, Термиз шаҳри Баркамол авлод кучаси, 43-уй. Тел.: +99876221-74-55; факс: +99876221-71-17; e-mail: termizdu@umail.uz).


Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (~~20~~ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 190111, Термиз шаҳри Баркамол авлод кучаси, 43-уй. Тел.: +99876221 221-74-55).

Диссертация автореферати 2022 йил «1» ~~11~~ куни тарқатилди.
(2022 йил «31» ~~10~~ даги «9» -рақамли реестр баённомаси).



 И.Чарнев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

 М.Қ.Бозорова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

 Х.Ж.Худойкулов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда таълим барқарор тараққиётни таъминлайдиган асосий омил сифатида эътироф этилиб, халқаро ташкилотлар ҳамда дунёнинг аксарият мамлакатлари томонидан 2030 йилгача белгиланган янги таълим концепциясида “ўқитиш сифатини баҳолаш жараёни ва воситаларини такомиллаштириш, эришилган натижаларни аниқлаш имконини берувчи механизмларни амалиётга жорий қилиш”¹ долзарб вазифа сифатида этиб белгиланди. Бу, ўз навбатида, бошланғич синф ўқувчилари мантиқий фикрлашини барвақт ривожлантириш; бошланғич таълимнинг шахс камолотини таъминловчилик имкониятлари билан ўқувчиларда мантиқий фикрлашини оғзаки машқлар воситасида ривожлантиришга хизмат қиладиган методикани ишлаб чиқиш; дарсларда мақсадга йўналтирилган оғзаки савол ва машқлардан ўқувчи шахсини ривожлантиришда фойдаланиш йўллари, методларини такомиллаштириш ҳамда жорий этиш методикасини ишлаб чиқиш заруриятининг юзага келишига асос бўлмоқда.

Дунёда ўқувчи-ёшларнинг мантиқий фикрлашини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган илмий изланишларда ўқув-тарбия жараёни натижавийлигига алоҳида эътибор қаратилиб, такомиллаштирилган методик тизимни ишлаб чиқиш зарурлигига урғу берилмоқда. Ушбу тадқиқотларда бошланғич синф ўқувчилари мантиқий фикрлашини ривожлантириш, шахсга йўналтирилган таълим технологиялари асосида такомиллашган методик тизимни яратишга оид илмий жиҳатдан асосланган таклифлар, унга таъсир этувчи омилларни аниқлаш, ўқувчиларда мустақил фикрлаш кўникмаларини ҳосил қилиш, мулоқот ва ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияларини шакллантиришга устувор аҳамият қаратилган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган чуқур иқтисодий-ижтимоий ислохотлар, ривожланган демократик давлат барпо этиш талабларига мос равишда ўқувчи-ёшларнинг таълим-тарбияси сифатини ошириш, ўқув жараёнига таълимнинг замонавий шакллари ва усулларини жорий этиш вазифасини кўяди. Мазкур вазифани амалга ошириш шахсга йўналтирилган таълим стратегияси талаблари асосида бошланғич синф ўқувчиларида мантиқий фикрлашни ривожлантириш эҳтиёжини келтириб чиқармоқда. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да “умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, чет тиллар, информатика ҳамда математика, физика, кимё, биология каби бошқа муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш”² вазифаси белгиланди. Натижада бошланғич синф ўқувчилари мантиқий фикрлашини таркиб топтириш ва ривожлантиришнинг методик тизимини ишлаб чиқиш алоҳида зарурат касб этди.

¹ Incheon declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (Word Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea)

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон фармони. 28.01.2022

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сон “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси” тўғрисидаги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари, ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъриий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожлантиришининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонлик олимлардан Б.Абдуллаева, С.Бурхонов, А.Садикова, М.Султанов, М.Ташпулатоваларнинг бошланғич синфларда дарсларни модулли инновацион технологиялар асосида ташкил этиш бўйича ишларини эътироф этиш мумкин. Шунингдек, умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синфларида ўқитишнинг турли жиҳатлари Н.У.Бикбаева, Е.Янгабаева, Б.Р.Адизов, Ш.Р.Райҳонов, А.Халиллаев, М.Жумаев, Н.Р.Гайбуллаев, М.А.Зайниддинова, О.Р.Розиқов, Т.Р.Тўлаганов, Р.Ибрагимов, Ж.Икрамов, Ф.Қосимов, Ш.Юнусовалар томонидан ўрганилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) давлатлари олимлари Л.Г.Питерсон, Х.Ж.Ганеев, Н.Б.Истомина, З.И.Слепкан, И.Г.Липатникова, В.И.Манохов, А.М.Пишкало, Г.И.Саранцев, А.А.Столяр, М.Раёмов, П.М.Эрдниева кабилар томонидан ўқитишда ривожлантирувчи таълим назарияси муаммолари ўрганилиб, таълим жараёнида ўқувчилар шахсини ривожлантиришнинг турли жиҳатлари ишлаб чиқилган.

Хорижий мамлакатлар олимларидан Т.Сакомато, В.С.Блум, С.В.Кобб, Р.Н.Дуглас, Г.Пимблэй, В.Григори, Т.Келлаган, Р.Сантьяго, Д.Нусче, Т.Радингер, С.Шевбриджелар томонидан ўқитиш жараёнини такомиллаштиришнинг ташкилий-методик ёндашувларининг умумий ўрта таълим тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг умумий жараёни билан ўзаро алоқадорлиги илмий асосланган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Урганч давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ

“Ёшлар маънавий қиёфасини юксалтиришнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-маданий муаммоларини ўрганиш” мавзуси доирасида бажарилган (2017-2021 йй).

Тадқиқотнинг мақсади бошланғич синф ўқувчилари мантиқий фикрлашини ривожлантиришнинг методик тизимини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бошланғич синф ўқувчилари мантиқий фикрлашини ривожлантиришнинг назарий- методологик омилларини аниқлаш;

синфдан ташқари ишларни ташкил қилиш орқали бошланғич синф ўқувчиларининг мантиқий фикрлашини ривожлантириш қонуниятлари асосида ўқитиш методикасини мазмунан такомиллаштириш;

мақсадга йўналтирилган саволлар ва машқлардан фойдаланиш орқали бошланғич синф ўқувчилари мантиқий фикрлашини ривожлантиришнинг тизимли моделини такомиллаштириш;

ўқувчиларнинг мантиқий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган методиканинг самарадорлик даражасини аниқлаш ва амалиётга татбиқ этишга оид тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бошланғич синф ўқувчилари мантиқий фикрлашини ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларида Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятлари умумий ўрта таълим мактабларининг (жами 14 та) 720 нафар респондент-ўқувчилари иштирок этди.

Тадқиқотнинг предмети бошланғич синф ўқувчилари мантиқий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараённинг мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида муаммога доир сиёсий, фалсафий, социологик, психологик, педагогик адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш ва таҳлил этиш; бошланғич синфларни ўқитиш соҳасидаги илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш; социометрик методлар (анкета, интервью, суҳбат); педагогик эксперимент; натижаларни математик ва статистик таҳлил этиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

педагог, психолог, буюк алломаларнинг дидактик қарашлари асосида хулосалар чиқариш, далиллар келтириш, асослаш орқали бошланғич синф ўқувчилари мантиқий фикрлашини ривожлантириш кўрсаткичлари назарий ва методологик омиллари аниқлаштирилган;

синфдан ташқари оммалаштиришга қаратилган ишларни ташкил қилиш асосида бошланғич синф ўқувчиларининг тахмин қилиш, асослов ва сабаблар устида фикр юритиш каби мантиқий фикрлаши ҳозиржавоблик, ишчанлик, фаоллик қонуниятлари асосида ривожлантирилиб, мантиқий кетма-кетлик ва изчилликда ўқитиш методикаси мазмунан такомиллаштирилган;

таълим мотивацияси ва ўқитишни назорат қилиш диагностикаси билан кенгайтирилган методик тизимнинг имкониятлари ҳамда дидактик шарт-шароитлари ўқувчиларни ривожлантиришда аниқ ва равшан, танқидий,

тизимли мантиқий фикрлашга йўналтирилган саволлар ва оғзаки машқлардан фойдаланишга асосланган модели такомиллаштирилган;

осон ва қулай оғзаки ҳисоблашларни амалга оширишда бошланғич синф ўқувчиларининг мантиқий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган эвристик таълим методикасининг самарадорлик даражаси аниқланиб, конструкциялаш ва моделлаштириш тажрибаларига устуворлик бериш асосида амалиётга тадбиқ этишга оид илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

“фикрлаш”, “мантиқий фикрлаш” ва “оғзаки машқлар”, “эвристик таълим методи”, “синфдан ташқари ишлар” каби тушунчаларнинг мазмун-моҳияти муаллифлик ёндашуви асосида методик жиҳатдан талқин этилган;

Синфдан ташқари машғулотлар воситасида бошланғич синф ўқувчилари мантиқий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган методика “Педагогика назарияси ва тарихи (1-қисм)” дарслиги, “Математика ўқитиш методикаси” ва “Бошланғич синфларда математикадан синфдан ташқари ишлар” ўқув қўлланмалари орқали бошланғич таълим амалиётига жорий этилган;

бошланғич синф ўқувчилари мантиқий фикрлашини ривожлантиришда оғзаки машқлардан фойдаланишнинг таълим мотивацияси ва назорат-диагностикаси қисми билан такомиллаштирилган педагогик модел ишлаб чиқилган;

оғзаки машқлар ёрдамида бошланғич синф дарсларида эвристик таълим методидан фойдаланиб ўқувчиларнинг мантиқий фикрлашини ривожлантириш методикаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистика методлари таҳлили ёрдамида асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда илгари сурилган назарий-эмпирик ёндашувлар, қарашлар, илмий тавсиялар ишлаб чиқилганлиги, бошланғич синф ўқувчилари мантиқий фикрлашини ривожлантириш жараёнининг модели, мазмуни, тамойиллари, шакллари, воситалари, усуллари, методлари педагогик-психологик имкониятлари аниқланганлиги, синфдан ташқари ишларни ташкил қилиш, дарсларда оғзаки машқлардан фойдаланишнинг такомиллашган методик тизими ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий-методик ёндашувлар ва тавсиялардан олий ўқув юртларининг бошланғич таълим методикаси, педагогика назарияси курси, малака ошириш курслари дастурларини такомиллаштиришда, бошланғич синф ўқувчилари мантиқий фикрлашини ривожлантириш бўйича бошланғич таълимнинг мазмуни ва

сифатига қўйиладиган давлат таълим стандартларини такомиллаштиришга хизмат қилади. Шунингдек, бошланғич синф ўқитувчиларининг педагогик маҳоратини илғор тажрибалар ва инновацион методлар билан бойитади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бошланғич синф ўқувчилари мантиқий фикрлашини ривожлантиришнинг методик тизимини такомиллаштириш бўйича илмий натижалар асосида:

педагог, психолог, буюк алломаларнинг дидактик қарашлари асосида хулосалар чиқариш, далиллар келтириш, асослаш орқали бошланғич синф ўқувчилари мантиқий фикрлашини ривожлантириш кўрсаткичлари назарий ва методологик омилларига оид илмий-методик таклиф ва тавсиялар “Педагогика назарияси ва тарихи (1-қисм)” номли дарслик мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 17 мартдаги 106-сон буйруғи асосида берилган 500-236 рақамли нашр гувоҳномаси). Натижада, ўқув дастурлари мазмунан такомиллаштирилган ҳамда бошланғич синф ўқувчиларида мантиқий фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришга доир илмий-назарий маълумотлар билан бойитилган.

синфдан ташқари ишларни ташкил қилиш орқали бошланғич синф ўқувчилари мантиқий фикрлашини ривожлантиришни педагогик асослари ишлаб чиқилиб “Математика ўқитиш методикаси” фанининг ўқув дастури “Математика ўқитиш методикаси” номли ўқув қўлланма (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 06 октябрдаги 522-сон буйруғи асосида берилган 522-060 рақамли нашр гувоҳномаси) ҳамда “Бошланғич синфларда математикадан синфдан ташқари ишлар” номли ўқув қўлланмалар мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 237-сон буйруғи асосида берилган 237-010 рақамли нашр гувоҳномаси). Натижада, бошланғич синф ўқувчиларида мантиқий фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришнинг методик тизимини такомиллаштиришга эришилган.

таълим мотивацияси ва ўқитишни назорат қилиш диагностикаси билан кенгайтирилган методик тизимнинг имкониятлари ҳамда дидактик шарт-шароитлари ўқувчиларни ривожлантиришда аниқ ва равшан, танқидий, тизимли мантиқий фикрлашга йўналтирилган саволлар ва оғзаки машқлардан фойдаланишга асосланган модели такомиллаштирилишига оид таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтининг ПЗ-2014-0903160552 – рақамли “Умумий ўрта таълим мактабларида модулли ўқитиш жараёнини технологик таъминлаш механизмлари” (2015-2017 й.й.) мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳасини амалга ошириш ва натижаларини таълим жараёнига тадбиқ этишда фойдаланилган (Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг 2022 йил 28 февралдагидаги 02-07-586/04-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчиларнинг мантиқий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган методик тизим такомиллаштирилган.

осон ва қулай оғзаки ҳисоблашларни амалга оширишда бошланғич синф ўқувчиларининг мантиқий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган эвристик таълим методикасининг самарадорлик даражаси аниқланиб,

конструкциялаш ва моделлаштириш тажрибаларига устуворлик бериш асосида амалиётга татбиқ этишга оид илмий-методик тавсиялардан “Бошланғич таълим концепцияси” ғояларини амалиётга татбиқ этишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил 28 январдаги 06-02/2-652-сон маълумотномаси). Натижада, оғзаки машқлар ёрдамида бошланғич синф дарсларида эврестик таълим методидан фойдаланиб ўқувчиларнинг мантиқий фикрлашини ривожлантириш методикаси такомиллаштирилишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий-методик иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғи асосида 1 та дарслик ва 2 та ўқув кўлланма, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, шундан, 6 та республика, 4 та хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши кириш, уч боб, 124 саҳифа матн, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш қисмида** тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бошланғич синф ўқувчилари мантиқий фикрлашини ривожлантиришнинг назарий-методик асослари”** деб номланган биринчи бобида бошланғич синф ўқувчиларида мантиқий фикрлашини ривожлантириш ижтимоий-методик муаммо сифатида асосланган.

Бошланғич таълим болани етукликка ундовчи, фаол фикрлашга ўргатувчи асосий босқич ҳисобланади. Ўқувчиларда компетенциявий ёндашувга асосланган Давлат таълим стандартларига мос билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ҳосил қилиш, умуммаданий кўникмаларни шакллантириш, уларни жамият ҳаётига тайёрлаш, мустақил фикрлашни ривожлантириш, ватанпарварлик, мустақиллик тамойиллари асосида демократияга содиқлик ҳиссини шакллантириш ўқув жараёнининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Хусусий дидактикада ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини равожлантиришга оид кўплаб илмий ёндашувлар мавжуд. Сўнгги йилларда фан-техниканинг равожланиши натижасида фанларни ўқитиш, ўқувчиларда фикрлашни равожлантириш технологиялари ҳам такомиллаштирилди. Мутахассислар томонидан амалга оширилган изланишлар шуни кўрсатдики, таълимнинг янги парадигмасига ўтилиши муносабати билан ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини ҳам янги сифат босқичига кўтариш эҳтиёжи кучайди. Ўқувчиларнинг мантикий фикрлашини равожлантириш масаласида мутахассислар турлича ёндашувларни илгари сурганлар.

Ўқувчиларда компетенциявий ёндашувга асосланган Давлат таълим стандартларига мос билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ҳосил қилиш, умуммаданий кўникмаларни шакллантириш, уларни жамият ҳаётига тайёрлаш, мустақил фикрлашни равожлантириш, ватанпарварлик, мустақиллик тамойиллари асосида демократияга содиқлик ҳиссини шакллантириш ўқув жараёнининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Бошланғич таълим ўқувчи шахсини ҳар томонлама шакллантириш, уларда мантикий фикрлаш фаоллигини таркиб топтириш учун қулай давр ҳисобланади. Бошланғич синф ўқувчиларида нутқнинг равожланиши билан бир қаторда фикрлаш фаоллиги ҳам вужудга келади. Ўқувчининг таққослаш, таснифлаш, умумлаштириш, тизимлаштиришга оид дастлабки кўникмалари унинг ўз фикрларини мантикий изчилликда аниқ, образли, равон баён қила олишида намоён бўлади.

Бошланғич синф ўқувчиларининг мантикий фикрлашини равожлантиришда дарслар, дарсдан ташқари ишлар, бу жараёнда тақдим этиладиган оғзаки машқлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Анъанавий дарсларда эса ўқитувчилар ўқувчиларга ёзма машқлар бажартиришга алоҳида эътибор қаратганлар. Бу жараёнда ўқувчининг диққати асосан масала ва топшириқларни тўғри ёзишга қаратилади. Кўчириб ёзилаётган масала ёки топшириқнинг мазмунига ўқувчилар етарлича эътибор қаратмайдилар. Ўқувчиларнинг мантикий фикрлашини равожлантириш абстракт-образли тафаккурини равожлантириш мақсадида ўқитувчилар махсус танланган мақсадга йўналтирилган оғзаки машқлар тизимидан фойдаланишлари лозим.

Бошланғич синф ўқувчилари мантикий фикрлашини равожлантиришда оғзаки машқлардан фойдаланиш муаммоси ўқув жараёнида инновацион методларни қўллаш билан бевосита боғлиқ. Бу соҳада қуйидаги муаммолар мавжуд: бошланғич синфларда таълимнинг равожлантирувчи имкониятларини кучайтириш зарурияти билан уларда мантикий фикрлашни мақсадга қаратилган савол ва оғзаки машқлар воситасида равожлантиришга хизмат қиладиган методикани ишлаб чиқилмаганлиги; синфдан ташқари ишларда бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билув фаолиятини ташкил қилишда оғзаки машқлардан ўқувчи шахсини равожлантириш учун фойдаланишнинг заруриятининг мавжудлиги; бошланғич синф дарсларида ёзма ечиладиган мисол, топшириқлар билан оғзаки машқларнинг ўзаро боғлиқлиги, бунда оғзаки машқлардан фойдаланиш имкониятларининг батафсил очиб берилмаганлиги.

Диссертацияда ўқувчиларни мантиқий фикрлашга ўргатиш жараёнида устивор принциплар ажратиб кўрсатилган: фикрлашнинг тасдиқни аниқ шакллантириш, ҳаёл юритиш ва далиллар занжирини туза билиш лаёқати эканлиги, унинг мантиқ билан ўзаро алоқадорлиги; фикр юритишнинг фақатгина инсонга хослиги; шахснинг ўрганиш, ўзлаштириш имкониятларига эгаллиги; шахснинг фикрлаш фаолиятини намоён қилиш имкониятининг мавжудлиги; фикрлаш жараёнинг фаол, ижодий характер касб этиши; бошланғич синф ўқувчиларининг фикрлаши, шу асосда фаолият усуллари эгаллаш олиши, уларни шароитга мос равишда ўзгартириши, изланишлар асосида ўз олдида кўйган муаммони ечишга киришиши педагогик жараённинг устувор мақсади эканлиги; ақлий ҳаракатларни босқичма-босқич шакллантириш бошланғич синф ўқувчилари мантиқий фикрлашини ривожлантиришнинг самарали усулларидан бири эканлиги; фикрлаш фаолияти ўрганувчи субъектнинг ўрганилаётган объект билан узлуксиз ўзаро ҳаракати жараёни сифатида баҳоланиши; фикрлаш фаолиятининг муаммоли, шунингдек тобора мураккаблашиб борадиган масалаларни ечишда ривожланиш характерига эга эканлиги; бир тизимга бирлаштирилган турли характердаги ҳаракатланиш усуллари, яъни ягона таҳлилий-муҳокамавий фаолият бошланғич синф ўқувчиларининг фикрлаш лаёқатини самарали ривожлантириши; ўқитувчининг педагогик қўллаб-қувватлаши ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини фаоллаштириш омили эканлиги.

Ўқувчиларнинг мантиқий фикрлашини ривожланиши уларнинг дарсда, уйда ва синфдан ташқари ишларни ташкил қилиш жараёнларида ўқув фаолиятини ташкиллаштиришга давр талаби асосида янгича ёндашишни талаб қилади.

Бизнингча, фолклорлар, лабиринт, мақоллар, топишмоқлар, кросвордлар, миқдорлар билан боғлиқ қизиқарли топшириқ ва маълумотлар, 3x3 кубик рубикни йиғишни ўрганиш, оммавий тадбирлар, экскурсиялар, тарихий мантиқий масалалар, фокуслар, ўйинлар, софизмлар, эртақлар, яшаш ва ўлчашга оид мантиқий масалалар, буюк кишиларнинг ибратли фикрлари каби кўплаб машқлар мавжудки буларни бошланғич таълимда тўлақонли ва ўринли ўргатиш ўқувчиларда мантиқий фикрлашини ривожлантириш муаммосини самарали ечими бўлади ҳамда коммуникатив компетенциясининг ривожланишга асос бўлади.

Бошланғич синф ўқувчиларининг мантиқий фикрлашини ривожлантиришда узвийлик тамойилига асосланган тизимли ёндашувни оқилона қўллаш зарур. Тадқиқот натижасида ўқувчиларни мантиқий фикрлашини ривожлантириш мақсадига йўналтирилган бошланғич синфлар учун синфдан ташқари ишга оид топшириқлар тизими яратилди.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Бошланғич синф ўқувчилари мантиқий фикрлашини ривожлантиришда оғзаки машқлардан фойдаланиш методикаси”** деб номланган бўлиб, мазкур бобда бошланғич синф ўқувчилари мантиқий фикрлашини ривожлантиришда оғзаки машқлардан фойдаланишнинг методик имкониятлари ҳамда йўллари ёритиб

берилган. Шунингдек, оғзаки машқларнинг методик таснифи ва улардан фойдаланишнинг дидактик шарт-шароитлари баён қилинган.

Диссертацияда ўқувчиларнинг мантиқий фикрлашини ривожлантиришда оғзаки машқларнинг муҳим ўрин эгаллаши илмий асосланган. Бунда оғзаки машқларнинг умумдидактик жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Биринчи навбатда уларнинг дидактик таснифини ўрганиш талаб этилади. Дидактик ёндашувларга кўра таълим методлари учта гуруҳга бўлинади: ўқув-билув фаолиятини ташкил этиш методлари; ўқишга рағбатлантириш ва мотив уйғотиш методлари; ўқув-билув фаолиятининг самарадорлигини назорат қилиш ва ўз-ўзини назорат қилиш методлари.

Таълим методлари тизимида оғзаки машқларнинг ўрнини аниқлар эканми, иккита таснифга асосландик: 1) Билим манбаларига кўра қўлланиладиган методлар: оғзаки, кўргазмали, амалий методлар. 2) Фаолият характерига кўра қўлланиладиган методлар: иллюстрацияли тушунтириш, репродуктив, эвристик, муаммоли ифодалаш, тадқиқотчилик усулларидан фойдаланган ҳолда ўқувчиларга тақдим этиш.

Бошланғич синф ўқувчиларини мантиқий фикрлашини ривожлантиришга бағишланган дарсларнинг мантиқий қурилиши, ўқув масалаларини ўқувчилар томонидан самарали ечишга қулайлик яратилганлиги, топшириқларнинг кўп вариантлилиги, ўқувчиларнинг маҳсулдор мантиқий фикрлашини ташкил этишга мўлжалланиши ўқитувчи томонидан аниқ лойиҳалаштирилиши керак.

Бошланғич таълим жараёнида мантиқий фикрлашни ривожлантириш муаммосини самарали ечиш учун бир қатор вазифаларни ҳал этиш лозим: фаолиятни ўрганиш – тўғри мақсад қўя олиш, унга эришиш йўлидаги ҳаракат натижаларини баҳолаш ва шу асосда ўз фаолиятини тўғри ташкил қила олиш; шахсий сифатларни вужудга келиши – билим, тушунча ва маълумотларни ўзлаштириш асосида ижобий сифатларни таркиб топтириш; ўқув дастурлари мазмунига атроф-муҳит, объектив борлиқни ўрганиш имконини берадиган мавзуларни киритиш.

Оғзаки машқлар ёрдамида ўқувчиларнинг психик жараёнлари ривожланади. Бу қуйидагилар билан изоҳланади: нутқнинг раволиги; оғзаки ҳисоблаш кўникмаларини жадал шаклланиши; мулоқот маданиятининг шаклланиши; билимларни ўзлаштиришга нисбатан эмоционал-қадриятли муносабат тажрибасининг таркиб топиши; математик фикрлаш амалларини бажариш кўникмасининг ҳосил бўлиши; ижодий фаолликнинг таркиб топиши. Оғзаки машқлар ўзида функционал-динамик топшириқларни мужассамлаштиргани учун ўқувчиларда диққатни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган диққатни тўғри тақсимлаш ва унинг барқарорлигини таъминлаш имконини беради. Оғзаки машқлар бир неча функцияларни бирданига бажарилишини тақозо этмайди, бу эса ўқув жараёнида босимнинг сезиларли даражада пасайишига кўмаклашади, шу билан бир қаторда ўқувчиларнинг ақлий фаолиятини фаоллаштиради. Натижада ўқувчиларнинг эътибори, хатти-ҳаракати битта объектда жамланиб уни батафсил ўрганайди, фарқли жиҳатларини ўзаро таққослайди, ўхшашликни ва фарқларни

пайқайди, муҳим белгиларини аниқлайди ва битта умумий тушунчанинг муҳим белгиларини бирлаштиради. Оғзаки машқлар таълим жараёнини жадаллаштириб нутқни ривожлантиришга хизмат қилади. Бу ўз навбатида ўқувчиларнинг ақлий ривожланишига таъсир кўрсатади. Чунки оғзаки машқлар тўла ёзма расмийлаштиришни талаб этмайди. Бу эса тилга кўпроқ эътибор қаратишга имкон яратганлиги учун ўқувчилар шахсини ривожлантириш воситаси бўлади ва унга шарт-шароит яратади. Охир оқибатда ўқувчиларнинг математик фикрлаш услуби шаклланади.

Оғзаки машқлар ўқувчиларнинг фикрлаш операцияларини бажариш лаёқатлари ва ижодий қобилиятлари ривожланиши учун навбатдаги топшириқлар тизимидан ташкил топиши лозим: нарса-буюмларнинг аломатларини ажратиш, уларни белгиларига кўра билиб олиш, предметни муҳим белгиларига кўра ажрата олиш қобилиятини шакллантиришга доир топшириқларни тақдим қилиш, икки ёки ундан ортиқ предметларни таққослаш, предметларни белгиларига кўра таснифлаш.

Бошланғич синфларда ўқитиш жараёнида қўлланиладиган оғзаки машқларнинг функциялари кўриб чиқилиб, улар тизимлаштирилди.

Оғзаки машқларни ўтказиш жараёнида, агар ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти тўғри ташкил қилинса, таълим мақсадлари таснифи ёрдамида шахс мақсадларининг ривожланишини аниқлаш мумкин.

Бу қуйидагиларда намоён бўлади: ўқув фаолияти давомида назарий-амалий характердаги ўқув материаллари моҳиятини англаш; мулоқот услублари, амалий ҳаракатлар, маълумот ва тушунчаларни ўзлаштиришда ақлий операцияларни бажара олиш; фанларни ўрганиш жараёнида тадқиқотчилик фаолияти кўникмаларини намоён қила олиш; бошланғич таълим дарсларида ўқувчиларда ижодий фаолият тажрибасини шакллантира олиш.

Биз томондан ишлаб чиқилган тизим нафақат бошланғич синфларда ўқитиш методикасини тўлиқ қамраб олади, ҳамда шахсга йўналтирилган таълим мақсад, вазифаларини амалга оширишнинг асосий механизми ҳисобланган фаолиятли ёндашув тамойилига ҳам таянади.

Ўқитиш методик тизимининг қуйидаги ўзига хос белгилари мавжуд: асосий мақсадга эришиш имкониятини яратувчи таркибий қисмларнинг тўлиқлиги; таркибий қисмларнинг ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирига тобелиги; таркибий қисмларни бирлаштириш учун зарур бўлган етакчи ғоянинг мавжудлиги; тизимни ташкил этувчи таркибий қисмларда умумий хусусиятларнинг юзага келиши.

Бошланғич синфларда ўқитишнинг методик тизими муайян талабларга жавоб бериши лозим. Биринчидан, у диагностик характерга эга бўлиши, яъни мақсадларнинг натижаларга мос келишини белгилаши лозим. Бошланғич синф ўқувчиларига таълимни ўргатиш жараёнида асосий мақсадга эришиш зарур. Иккинчидан, мавжуд методик тизим бошланғич синф ўқитувчисининг иш тажрибасига ва методик билимига боғлиқ бўлмаган ҳолда бир хил даражада фойдаланиладиган бўлиши мақсадга мувофиқ. Учинчидан, тақдим этилаётган методик тизим мослашувчан, яъни ўзгаришларга, янгиланишларга

мослашиши, турли шароитларда ишлатилиши, янги методик амаллар билан тўлдирилиш имконига эга бўлиши талаб қилинади.

Диссертацияда методик тизимнинг таркибий қисмлари таҳлил қилинган:

Методик тизимнинг ўқув мақсадларига асосланган қисми. Бошланғич синф ўқувчиларида фикрлашнинг юқори даражада ривожланишига фақат тўғри ташкил қилинган ўқув жараёни натижасида эришиш мумкин. Мазкур ўқитиш жараёнида, ўқувчилар томонидан уларни ўрганиш натижасида шахсий сифатлар ва индивидуал ўзига хосликка эришадиган, илмий билимларга асосланган фикрлашни, амалий ҳаракатлар, кўникмалари, дунёқараши, ахлоқий-эстетик маданиятининг шакллантириш ва ривожлантириш назарда тутилади.

Методик тизимнинг мотивлаштирувчи қисми. Бошланғич синфларда ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаши янада бойийди, чуқурлашади, кенгаяди, абстрактлашади, ўзлаштириш даражаси ортади. Бундай вазиятда мотивлар муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчиларда фикрлаш фаолиятининг ривожланиши баробарида ўз-ўзини баҳолаш, атрофдагиларга нисбатан танқидий муносабатда бўлиш кўникмалари ҳам ривожланади.

Методик тизимнинг мазмунни ифодаловчи таркибий қисми. Дидактикада таълим мазмунини белгилаш алоҳида аҳамиятга эга бўлган ходиса ҳисобланади. ўқув предметларининг ҳолати ва уларнинг мазмун жиҳатдан бойитилиши ўқув жараёнини самарали ташкил этишга имкон беради. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ўқув фани мазмунида ижтимоий буюртмага таянилган ҳолда фан соҳасининг асосий таркибий қисмлари ўз ифодасини топиши керак.

Методик тизимнинг жараёнини ифодаловчи таркибий қисми. Бошланғич синф фанларини ўқитишда методик тизимнинг жараёнини ифодаловчи таркибий қисми ўқув мақсадлари, шакллари, усул ва методлари ҳамда натижаларни ўз ичига олади. Бу жараён бошланғич синф ўқувчиларига фанларга оид билимларни ўргатиш асосида уларнинг мантиқий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилиши лозим. Бунинг учун эса аввало ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятлари, фикрлаш даражалари ҳисобга олинади. Бу вазифаларни амалга ошириш учун ўқувчиларнинг мотивли, ҳиссий-эмоционал соҳаларига таъсир кўрсатувчи, фикрлаш фаолиятини рағбатлантирувчи воситалар, усул ва методлардан фойдаланилади. Шунингдек, бу жараёнда ўқитувчи билан ўқувчиларнинг ҳамкорлигига эришиш ҳам муҳим ҳисобланади.

Методик тизимнинг жараёни ташкил этувчи таркибий қисмлари:

а) билимларни ўргатишга хизмат қиладиган дидактик шакллар. Бошланғич синф фанларини ўргатишга хизмат қиладиган дидактик шакллар сифатида дарс ва дарсдан ташқари таълимий жараёнлар назарда тутилади. Барча ўқув фанларида билимларни ўргатишда ҳам дарс ва дарсдан ташқари педагогик жараёнлар ўзаро алоқадорликда яхлит тизимни ташкил этиши лозим. Дарс ва дарсдан ташқари жараёнларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга. Улар ўзининг мақсади, таркиби, қўлланиладиган усул ва методларига эга. Ўқитишнинг синф-дарс шаклида ўқитувчи ва ўқувчининг

Ўқув дастурида назарда тутилган билимлар, кўникма ва малакалар, компетенцияларни ўзлаштириш жараёнидаги ўзаро ҳамкорлиги орқали намоён бўлади.

Дарсдан ташқари педагогик жараёнда эса тўғараклар, қўшимча машғулотлар, мактаб олимпиадаларини ўз ичига олиб, бунда ўқувчи ўқитувчи раҳбарлигида билимларни кўпроқ мустақил тарзда эгаллашга муваффақ бўлади. Ушбу жараён ўқувчиларнинг билимлари, фикрлаш фаолиятлари, ҳисоблаш компетенцияларини янада бойитишга қаратилади.


Ҳар бир ўқувчи билан яқка тартибда ишлаш эса “субъект-субъект” муносабатлари тизимида алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, машқлар бажарганда, масалалар ечганда, бошланғич синф ўқувчиларининг фикрлаш фаолиятини пухта эгаллашларида алоҳида аҳамият касб этади. Бундай иш шакли топшириқларни табақалаштирилган ҳолда танлаш, ҳар бир ўқувчининг ўқиш маромини аниқ белгилаш, ўқувчига ўқитувчи томонидан ўз вақтида ёрдам бериш, топшириқларнинг бажарилишини мунтазам назорат қилиш имконини беради. Ўқитувчи ўқувчиларнинг м фикрлаш фаолиятини ривожлантиришда ялпи ва индивидуал ишлаш усулларини уйғунлаштирган ҳолда фойдаланиши лозим.

б) Бошланғич синф ўқувчиларига фанларга оид билимларни ўргатиш усулларининг таркибий қисмлари. Бошланғич синф ўқувчиларида мантикий фикрлашини ривожлантиришда қуйидаги усуллардан фойдаланиш орқали самарадорликни таъминлаш назарда тутилади: оғзаки иш усуллари: ҳикоя, маъруза, суҳбат; кўрғазмали: расм, тасвир ва чизмалар билан ишлаш, рамзлар ёрдамида тушунтириш, намоёиш қилиш; китоб билан ишлаш; амалий: кузатиш, дидактик ўйинлар, статистик изланишлар, машқлар устида ишлаш, моделлаштириш, лойиҳалаштириш; интерфаол: мунозара, ишбилармонлик ўйинлари, “аквариум”, лойиҳа методи, “ақлий хужум”; назорат.

с) Бошланғич синф ўқувчиларига фанларга оид билимларни ўргатиш воситалари. Ўқитиш воситаларининг умумқабул қилинган замонавий типологиясида ўқитишнинг ўқув-материал базаси қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим: босма воситалар (дастурлар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари, масалалар тўпламлари, ўқув-сўров ва ўқув-методик қўлланмалар, хрестоматиялар, тарқатма материаллар), кўрғазмали воситалар (плакатлар, жадваллар), намоёиш қилиш воситалари (стендлар, намоёиш қилиш моделлари), электрон таълим воситалари (мультимедия қўлланмалар, дарсликлар), эшиттириш-кўрсатиш (аудиовизуаль) воситалари (видеопроекторлар, слайдлар, ўқув фильмлари), ўқув асбоблари (ўйин кубиклари, рулеткалар, шарли қутилар).

Ўқувчиларга билимларни ўргатишнинг босма воситалари фанларнинг ўқув-методик комплексини шакллантиради. Турли таркибга эга бўлган, ягона функцияни бажарадиган дидактик воситалар ўзаро бир-бирини тўлдиради.

Ўқувчиларда мантикий фикрлашни ривожлантириш методикасини такомиллаштиришга йўналтирилган методик тизимнинг модели юқоридаги лардан келиб чиқиб ишлаб чиқилди (1-расмга қаранг).



